

4-1404-2301/1371-сонлиш

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Жомбой тумани

2023 йил 17 октябрь

Жомбой туманлараро иқтисодий суди судьяси Н.Э.Турсунованинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Яхёевнинг котиблигида, ХХХХнинг даъвогар ХХХХ манфаатида, жавобгар УУУУдан 253 197 140 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишни, Жомбой туманлараро иқтисодий суди биносида, жавобгар вакили УУУУ(ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни-

АНИҚЛАДИ:

Жомбой туманлараро иқтисодий судига ХХХХ (бундан буён матнда Палата деб юритилади) даъвогар ХХХХ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади)нинг манфаатида жавобгар УУУУ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво аризасида даъвогар, жавобгар ва «Uz Case Service» МЧЖ ўртасида 2021 йил 19 апрель куни уч томонлама шартнома имзоланганлиги, шартномага асосан жавобгарнинг 253 197 140 сўм қарзини тўлаб беришни даъвогарга топшириш, даъвогар қарзини қабул қилиб олиш ва «Uz Case Service» МЧЖга тўлаб беришни ўз зиммасига олганлиги, ушбу қарздорлик даъвогар томонидан «Uz Case Service» МЧЖга тўлаб берилганлиги ва жавобгар даъвогарга 253 197 140 сўм қарздор бўлиб қолганлиги, бироқ, ҳозирги кунга қадар тўлаб берилмаганлиги, жавобгарга ушбу қарздорликни 10 кунлик муддатда тўлашлиги бўйича 08.06.2022 йилда №08-03/104-590-сонли талабнома юборилганлиги, талабнома жавобсиз қолганлиги баён қилиниб, жавобгардан даъвогар фойдасига 253 197 140 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга «Uz Case Service» МЧЖ низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар ва учинчи шахс вакиллари суд мажлисида иштирок этмади.

Судга даъвогар томонидан илтимоснома келиб тушган, унга кўра, мазкур иқтисодий ишни унинг иштирокисиз кўришни ва даъвони қаноатлантиришни сўраган.

Шунга асосан суд, даъвогар томонидан тақдим этилган илтимосномани қаноатлантириб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал

кодексининг 170-моддасига кўра, ишни жавобгар вакили иштирокисиз, мавжуд ҳужжатлар асосида кўришни лозим деб топди.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган жавобгар вакили, даъвогарнинг даъво аризасига эътирози йўқлигини, ҳақиқатдан ҳам қарздорлиги мавжудлигини билдириб қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд, жавобгар вакилининг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, УУУУ – “Қарздор”, ХХХХ – “Қабул қилувчи” ва «Uz Case Service» МЧЖ – “Қарз берувчи” ўртасида 2021 йил 19 апрельдаги “Қарз берувчиликни ўтказиш ҳақидаги талабни қабул қилиш тўғрисида” шартнома тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 313-моддасига кўра, мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Шартноманинг 1.-бандига кўра, “Қарздор” 253 197 140 сўм миқдоридagi қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар етказиб беришдан ҳосил бўлган қарздорликни тўлаб беришни “Қабул қилувчи”га топширади ҳамда “Қабул қилувчи” қарзни “Қарз берувчи”га тўлаб бериш бўйича мажбурият олган.

“Қарздор”нинг 253 197 140 сўм миқдоридagi қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар етказиб беришдан ҳосил бўлган қарздорлиги “Қарз берувчи”га “Қабул қилувчи” томонидан тўлаб берилган.

ФКнинг 315-моддасига кўра, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади. Хусусан янги кредиторга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга ҳуқуқ ҳам ўтади.

Даъвогар томонидан тўланган пул маблағларини кайтариб бериш тўғрисида жавобгарга 08.06.2022 йилда №08-03/104-590-сонли талабнома юборилган бўлса-да, жавобгар ушбу талабномани оқибатсиз қолдирган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Юқоридагиларга кўра, суд даъвогар томонидан жавобгарнинг «Uz Case Service» МЧЖ олдидagi 253 197 140 сўм қарздорлиги тўлаб берилганлигини,

натижада жавобгар даъвогар олдида 253 197 140 сўм қарздор бўлиб қолганлигини, бироқ, ушбу қарздорликни даъвогарга тўлаб берилмаганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг жавобгардан 253 197 140 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво талабини асосли деб ҳисоблаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги матнларда ИПК деб юритилади) 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бундай ҳолатда, суд жавобгар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, ишдаги далилларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар УУУУдан даъвогар ХХХХ фойдасига 253 197 140 сўм асосий қарзни ундиришни, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, жавобгар УУУУдан даъвогар ХХХХ фойдасига олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати; Республика бюджетига 5 063 942,8 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, ИПКнинг 118, 176-179, 180, 186-моддаларига асосланиб суд-,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар «JOMBOY AGROSERVIS MTP» МЧЖдан даъвогар ХХХХ фойдасига 253 197 140 сўм асосий қарз ҳамда олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар УУУУдан:

-Республика бюджетига 5 063 942,8 сўм давлат божи;

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоят (протести) бериши мумкин.

Судья

Н.Э.Турсунова